O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 27 апрель, № 82 (4235) Жума

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 апрель куни Оқсаройда Украина Бош вазири Виктор Януковични қабул қилди.

— Украина ҳукумати аъзолари ва йирик ишбилармонлардан иборат делегациянинг ташрифи мамлакатингизнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдор эканлигидан яна бир далолатдир, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосидаги муносабатлар икки томон учун ҳам самарали бўлмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида ҳеч қандай муаммо, англашилмовчилик бўлмаган. Ўзаро ҳамкорлигимизга турли воқеалар дахл қилмаслиги муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлик касб этгани муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲнинг 2006 йил ноябрдаги Минск саммити доирасида Украина Президенти Виктор Юшченко билан, ўша йилнинг августида Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг Сочи шаҳридаги норасмий саммити чоғида Бош вазир Виктор Янукович билан учрашувларида алоқаларни янада ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашди. Хусусан, жорий йилнинг февраль ойида Киевда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Украина қўшма комиссиясининг еттинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар Ўзбекистон билан Украина ўртасида 1999-2008 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури асосида ривожланмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг кўрсаткичлари 2006 йилда ҳамкорлик кўлами ва суръати жадал юксалаётганидан далолат беради. Бу борадаги кўрсаткич 2005 йилда 330,8 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2006 йилда 615,3 миллион долларга етди.

Мамлакатимизда қирққа яқин Ўзбекистон — Украина қўшма корхонаси, Украинадаги 12 фирма ва компаниянинг ваколатхонаси очилган. Украинада Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 26 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси билан Украинанинг қатор илмий муассасалари, жумладан, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Педиатрия илмий-текшириш институти билан Украинанинг бир неча тиббий муассасаси ўртасида яқин алоқалар ўрнатилган.

Киевда "Дўстлик" маданий-иқтисодий жамияти, "Ўзбекистон" ўзбек маданияти жамияти фаолият кўрсатмоқда. Тошкентда эса "Славутич", "Батькившчина" украин маданияти марказлари иш юритмоқда.

2002 йили Тошкентда очилган атоқли украин адиби Тарас Шевченконинг ҳайкали ҳам ўзбек ва украин халқлари дўстлигининг ёрқин намунасидир.

В.Янукович Украина Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатларни икки томоннинг салоҳият ва имкониятлари даражасига кўтариш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Аввало, Ўзбекистоннинг юксак давлат мукофоти — «Жасорат» медали билан тақдирланиш шарафига муяссар бўлганим учун Сизга самимий миннатдорлик ва эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз. Сизнинг ажойиб мамлакатингизни зиёрат қилиш мен ва «Universum-box promotion» клуби делегацияси аъзолари учун катта шараф бўлди. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва бағрикенглиги барчамизда унутилмас таассурот қолдирди.

Мен, Муҳаммад Али, Майк Тайсон, Теофило Стивенсон, Феликс Савон каби замонамизнинг машҳур чемпионлари билан яқин таниш бўлган ва умрининг 30 йилдан кўпроғини боксга бағишлаган мутахассис сифатида, Ўзбекистон янги бокс мамлакатига айланиб бораётганини доимо катта қизиқиш билан кузатиб келаман.

Тошкентга ташрифимиз асносида Ўзбекистонда спорт давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигига гувоҳ бўлдик. Жаноби Олийлари, дунёда боксни ривожлантиришга шахсан катта эътибор берадиган Сиздек давлат раҳбарлари кам.

Ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвони учун кечган жангда Руслан Чагаев ёрқин ғалабага эришганининг асосий сабабларидан бири унинг ўз Ватани — Ўзбекистонга бўлган беқиёс муҳаббати эканини чуқур ҳис қилдим. Машқлар ва мусобақалар жадвали ўта тиғиз бўлишига қарамасдан, Руслан ҳар йили бир неча бор жонажон Андижонига бориб келишга фурсат топади.

Яқинда Сиз билан бўлиб ўтган учрашувимиз чоғида айтилганидек, «Universum-box promotion» клуби ва шахсан ўзим Ўзбекистонда профессионал спортни ривожлантириш ишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканимизни яна бир бор таъкидламоқчиман. Биз Ўзбекистон томонининг Тошкентда жаҳон чемпиони Руслан Чагаев билан чемпионликка даъвогар номзодлардан бири ўртасида бокс мусобақасини ўтказишга оид жаҳоншумул лойиҳани «Universum-box promotion» билан биргаликда амалга ошириш борасидаги азми қарорини ҳам юксак қадрлаймиз. Бу ажойиб лойиҳанинг амалга оширилиши кўп жиҳатдан Ўзбекистон ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши ва беқиёс кўмагига боғлиқдир.

Биз Ўзбекистонда боксни ривожлантириш йўлида самарали ҳамкорлик ўрнатилганидан беҳад мамнунмиз. Ҳозир Русланнинг айни куч-қувватга тўлиб, руҳий-маънавий етукликка эришган пайти. Сиз билан бўлиб ўтган унутилмас учрашув эса янги марраларни забт этишда унга улкан ғайрат-шижоат бахш этади.

Ишончим комилки, Руслан Чагаев ҳали узоқ йиллар ўзининг ажойиб ғалабалари билан бизни хушнуд этади, Ўзбекистон ва клубимизнинг шон-шуҳратини янада юксалтиришга хизмат қилади. Унинг номи эса жаҳон бокс тарихига олтин ҳарфлар билан битилади.

Камоли эҳтиром билан,

Клаус-Петер КОЛЬ,
«Universum-box promotion»
профессионал бокс клуби промоутери

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бу борада қабул қилинган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга изчил татбиқ этиб борилаётгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН АДАШМАЙДИ

Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан 1997 йили Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури аҳолининг ҳуқуқий тарбияси ҳамда саводхонлигини ошириш, юридик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини юксалтириш, илмий тадқиқот ишларини янада жонлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Парламентимиз қуйи палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг кеча бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида ушбу дастурнинг республика Халқ таълими вазирлиги тизимида қандай ижро этилаётганлиги муҳокама қилинди.

Мазкур қўмита раиси Н.Исмоилов бошқарган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ҳамда мутахассислар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Украина Бош вазири Виктор Януковичнинг мамлакатимизга ташрифи бу ҳамкорликни кўплаб йўналишлар бўйича янада кенгайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёевнинг Украина Бош вазири Виктор Янукович билан музокаралари бўлиб ўтди.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Украинага ва Украина Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифлари чоғида асос солинган. Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасидаги икки ҳужжатда – 1998 йил февралидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома ҳамда 1999 йил 7 октябрда имзоланган 1999-2008 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномада ўзаро манфаатли муносабатларнинг узоқ муддатли стратегияси белгиланган. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан бери ўтган 15 йил мобайнида 150 га яқин ҳужжат имзоланди. Бугун ҳар томонлама манфаатли Ўзбекистон — Украина алоқалари савдо-иқтисодий, маданий, илмий, таълим, туризм соҳаларида ривожланмоқда. Уларни чуқурлаштириш истиқболлари яқинда Киевда ўтказилган Ўзбекистон-Украина Ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги йиғилишида муҳокама қилинди.

Тошкентдаги ҳукуматлараро музокараларда таъкидланганидек, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш учун улкан имкониятлар мавжуд. Эркин савдо режимида амалга оширилаётган товар айланмаси мунтазам ортиб бормоқда. Жумладан, 2006 йил якунларига кўра, у 615,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди, бу эса 2005 йилдагидан 86 фоиз кўп, жорий йилнинг икки ойи давомида эса 80 миллиондан ошди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган миллий иқтисодиётимизнинг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон хорижга катта ҳажмда қайта ишланган тайёр маҳсулот, турли юқори технологик товарлар ва механизмларни етказиб бермоқда. Жумладан, Украинага нафақат энергия манбалари ва пахта толаси, ёғ уруғлари ва мевалар, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, балки рангли металлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, тўқимачилик маҳсулотлари, пластмасса буюмлар, хизматлар ва транспорт воситалари экспорт қилинаётир. 2002 йилдан бери Украинага «ЎзДЭУавто» заводида ишлаб чиқарилган 10 мингдан ортиқ автомобиль сотилди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Украинадан механик ускуналар, қора металлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, фармацевтика маҳсулотлари, электр ускуналари, транспорт воситалари, қоғоз, каучук, резина буюмлари ва бошқа товарларни импорт қилмоқда.

Ўзбекистонда хорижий инвесторлар ва тадбиркорлар фаолиятининг ҳуқуқлари қонун билан кафолатланган. Мамлакатимизда 40 га яқин Ўзбекистон — Украина қўшма корхонаси рўйхатга олинган. Улар, асосан, озиқ-овқат, мебель, тўқимачилик, кимё саноати, қурилиш соҳасига ихтисослашган. Украинанинг 12 та фирма ва компанияси ваколатхоналари аккредитация қилинган. Украинада Ўзбекистон сармояси иштирокида 26 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқармоқда, экспорт, хизматлар кўрсатиш билан шуғулланмоқда.

Музокаралар давомида томонлар барча йўналишлар бўйича ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш билдирдилар. Инвестициявий ҳамкорлик кенгайтирилади, мамлакатимиздан жўнатилган юкларни Украина ҳудуди орқали транзит қилиш учун транспорт йўлакларидан янада самарали фойдаланиш бўйича ишлар давом эттирилади. Савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтиришдан ташқари бошқа соҳаларда ҳам ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш истиқболлари муҳокама қилинди. Чунончи, Ўзбекистон Фанлар академияси, унинг бўлинмалари ва Украинанинг тегишли муассасалари, фан ва соғлиқни сақлаш соҳасига ихтисослашган бошқа ташкилотлар ўртасида ўрнатилган бевосита шериклик алоқалари доирасида икки томонлама ва халқаро илмий лойиҳаларда биргаликда қатнашиш имкониятларини кенгайтиришга келишилди.

Музокаралар якунига кўра, Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасида ҳамкорликка доир ҳукуматлараро битим имзоланди.

Шу куни ўтказилган Ўзбекистон ва Украина ишбилармон доираларининг бизнес-форумида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш йўналишлари батафсил кўриб чиқилди. Янги қўшма корхоналар, жумладан, Ўзбекистонда Украина технологиялари асосида тракторлар, бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси ва нефть-газ ускуналари ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этиш белгиланди. Металлургия, машинасозлик ва бошқа тармоқлар бўйича ўзаро ҳамкорлик янада мустаҳкамланади, янги шартномалар имзоланади.

Украина делегацияси аъзолари Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, озодлигимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Шунингдек, меҳмонлар 2002 йилда Тошкентда ўрнатилган буюк украин шоири Тарас Шевченко ҳайкали пойига ҳам гул қўйди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Кеча пойтахтимиздаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ташаббуси билан «Интеллектуал мулк қонун ҳимоясида» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги, БМТ Тараққиёт Дастурининг «Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институционал салоҳиятини такомиллаштириш» лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, манфаатдор вазириклар ва ташкилотлар вакиллари, мутахассислар, чет эл экспертлари қатнашди.

Анжуман

Анжуманда мамлакатимизда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида сўз борди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Азамат Зиё анжуманда таъкидлаганидек, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан интеллектуал мулк эгалари ҳуқуқларини муҳофаза этиш, мазкур соҳаларнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш, такомиллаштириш ҳамда жаҳон андозаларига уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон интеллектуал мулк муҳофазасига оид қатор муҳим халқаро шартномаларга қўшилган. Айни пайтда миллий қонунларимизни халқаро нормалар ва шартномаларга мувофиқлаштиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон 1991 йилнинг 25 декабрида Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти конвенциясига қўшилиб, бу нуфузли ташкилотнинг аъзоси бўлди. Мамлакатда бу соҳадаги муносабатлар, уларнинг қонуний асослари, муаллифлар ҳамда бошқа субъектларнинг мулкий ва номулкий ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси ҳамда қатор қонунлар билан тартибга солинмоқда.

Халқаро конференцияда Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги Бош директори ўринбосари Алишер Ҳафизов ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг вакили Борис Кокин ва бошқалар маъруза қилишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Абдулла Орипов қатнашди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркорга тўсиқ бўлманг

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида тадбиркорлар манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг долзарб муаммоларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда давлат бошқарув ва назорат органлари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Учрашувда қайд этилганидек, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва ишбилармонларнинг эркин фаолият кўрсатишлари учун зарур барча шароитлар яратиб берилмоқда. Ана шу эътибор туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғинга айланиб бораяпти.

Маълумки, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан биридир. Уларнинг фаолиятини рухсатсиз текшириш, молиявий ва ишлаб чиқариш жараёнларига ноқонуний аралашиш каби ҳолатларга қарши курашиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан прокурор назорати ўрнатилган.

(Давоми 2-бетда).

Бугуннинг гапи

ДАРЁ СУВИН БАҲОР ТОШИРАР...

- **Сайёрамизнинг тўртдан уч қисмини сув қоплаган бўлса-да, унинг атиги 6 фоизи чучук сувдир.**
- **Ҳозирги кунда дунё бўйича ҳар олти кишидан бири тоза ичимлик сувига зор.**
- **Жаҳонда ҳар 15 сонияда бир бола асосан нокулай санитария шароити ва ифлосланган сув туфайли пайдо бўлган касалликдан вафот этаяпти.**
- **Швед гидрологи Малин Фалкенмаркнинг башоратига кўра, 2015 йилга бориб, дунё аҳолисининг 40 фоизи ичимлик суви муаммосидан азият чекади.**

2-бетга қаранг.

ДУНЁ ТИББИЁТЧИЛАРИ ТОШКЕНТДА

Тадбир

Пойтахтимизда давом этаётган «Ўзбекистонда тиббиёт ҳафталиги» тадбирида жаҳонга машҳур қирққа яқин компаниялар қатнашмоқда

Шу кунларда юртимизда «Ўзбекистонда тиббиёт ҳафталиги» қизғин давом этмоқда. Куни кеча ушбу тадбир доирасида «Stomotology Uzbekistan — 2007» учинчи халқаро кўргазмаси ҳам очилди. Уни ITE Uzbekistan халқаро кўргазма компанияси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Стоматологлар уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, «Ўзтибтехника» акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Тадбирда таъкидланганидек, инсон манфаати, ижтимоий ҳимоя устувор этиб белгиланган мамлакатимизда кишилар саломатлигига ғамхўрлик қилиш ҳукуматимизнинг доимий эътиборида. Ана шу саъй-ҳаракатлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмонан соғлом, баркамол авлодни вояга етказишда муҳим омил бўлаётир. Бу борада Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, жадал амалга оширилаётган мақсадли дастурлар юксак самара бераётир.

(Давоми 4-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Самарқанд автобуслари – Нукусда

Қорақалпоғистонда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

■ Нукус шаҳри кўчаларида "СамАвто" заводида ишлаб чиқарилаётган замонавий, йўловчилар учун ҳар томонлама қулай янги автобуслар қатнови йўлга қўйилди.

"Орол-тўлқин" хусусий фирмаси томонидан лизинг асосида сотиб олинган "Isuzu" автобуслари шаҳар йўналишлари бўйлаб йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда. Янги автобуслар шаҳар чеккасидаги автовокзалдан Эрназар Олакўз, Тўрткўл гузари, Беруний ва Аллаёр Дўсназаров кўчалари бўйлаб темирйўл шоҳбекатигача боради. Бу шаҳарликлар ва шаҳар меҳмонлари учун катта қулайлик туғдирмоқда.

Овулга оби-ҳаёт келди

Навоий вилоятининг Конимех туманидаги "Конимех" қоракўлчилик ширкат хўжалигида 70 минг бошдан зиёд қоракўл қўй, туя ва йилқи парваришланади.

■ Туман марказидан етмиш чақирим олисда жойлашган хўжалик аҳолиси ичимлик сув танқислигидан қийналиб келарди. Эндиликда бу муаммо ўз ечимини топди.

— Овулимизда 500 дан ортиқ оила истиқомат қилади, — дейди "Конимех" қоракўлчилик ширкат хўжалиги раиси Жандилла Бўқаев. — Тоза ичимлик сув муаммосини ҳал қилишда Навоий кон-металлургия комбинатининг Зафароободдаги 5-кон бошқармаси яқиндан ёрдам берди. Қисқа фурсатда уч километр масофага қувур ётқизилиб, овулга тоза сув келтирилди.

Дийдорлашув

Фарғона санъат коллежида уюштирилган тадбирда турли миллат ва элатларнинг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мазкур йиғинда дўстлик, бирдамлик, қондош-жондошлик тараннум этилди.

■ Иштирокчилар ўз миллатининг миллий-маданий одатлари, анъаналари ҳақида тадбир қатнашчиларига ҳикоя қилиб беришди. Байналмилал байрам қатнашчилари эътиборига вилоятда фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказлар тайёрлаган кўргазма намойиш қилинди.

Хонободнинг «Олтин лағмон»и

«Имконият — келажак» масъулияти чекланган жамияти Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида «Олтин лағмон» макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасини ишга туширди.

■ Бу шу ерда истиқомат қилувчи 110 нафар кишининг муқим иш билан таъминлаш имконини берди. Янги корхонада Японияннинг «Судзуки» компаниясидан келтирилган илғор технологиялар ёрдамида бир кеча-кундузда 20 тонна ундан турли макарон маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Тадбиркорлар яқин орада чашма сувини қадоқлаш ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишмоқчи.

Ҳамма йўллар Гулистонга элтади

Узунлиги 24 километрдан иборат бу йўл «Оҳангарон — Гулистон» автомобиль магистралидан бошланади. Аниқроғи, у Сайхунобод туманининг «Шўрўзак» хўжалигини Мирзаобод тумани ҳудудлари орқали «Гулистон — Гагарин» магистралига туташтиради.

■ Лойиҳа қиймати 10,5 миллиард сўм бўлган ушбу қурилишда ҳозир тошкентлик 200 нафардан зиёд тажрибали йўлсозлар икки сменада ишлашаяпти.

Қўқон шаҳридаги «Йўлқурилишлойиҳа» институти муҳандислари томонидан тайёрланган лойиҳа амалга ошгач, Сирдарё вилояти марказида транспорт қатнови тартибга солинади, йўловчилар ва ҳайдовчилар учун бир қатор қулайликлар яратилади.

«Шунқорлар» шашти баланд

Қаршидаги сержантлар тайёрлаш мактабининг спорт зали ва машқ майдонлари бир кунга мактаб ўқувчилари ва коллеж талабалари ихтиёрига бериб қўйилди.

■ Бу ерда «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Шаҳар ва туманларнинг энг яхши спортчиларидан жамланган жамоалар спортнинг ҳарбий-техник турлари бўйича беллашдилар. «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» шиори остида ўтган мусобақаларда Шаҳрисабз туманининг «Куч — адолатда» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Қарши шаҳри ва Деҳқонобод тумани жамоалари совринли ўринлар соҳиби бўлишди.

* * *

Урганчдаги «Динамо» стадионида вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари ўқувчилари ўртасида «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақаларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

■ Тадбир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, вилоят мудофаа ишлари, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ва мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди. Ўн битта жамоа қатнашган мазкур беллашувда Шовот тумани ёшлар жамоаси ғолиб чиқди.

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН АДАШМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидландики, дастурни ҳаётга татбиқ этишда бошқа идоралар билан бирга республика Халқ таълими вазирлиги тизимида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мактабгача тарбия муассасалари ва умумий ўрта-таълим мактабларида тегишли ўқув дастурлари ҳамда услубий тавсияномалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган. Яъни, ҳуқуқий таълим давлат таълими стандартлари асосида олиб борилаяпти. Мисол учун мактабгача таълим муассасаларида "Илк ҳуқуқий тушунчалар", ўрта умумтаълим мактабларида "Ҳуқуқ алифбоси", "Ҳуқуқ сабоқлари", "Давлат ва ҳуқуқ асослари", "Инсон ҳуқуқлари", "Қонунчилик асослари" каби фанлар ўқув дастурларига киритилган. Зарур дастурлар, дарслик ва қўлланмалар чоп этилган. Таълим даргоҳларида, шунингдек, адлия, прокуратура, ички ишлар органлари ходимлари ва бошқа ҳуқуқшунос мутахассислар иштирокида ўқув машғулотлари ўтказилмоқда. Педагоглар ва тарбиячиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида тегишли мавзуларда машғулотлар ташкил этилаётир.

Шунингдек, йиғилишда халқ таълими муассасаларида Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури ижроси ҳали талаб даражасида эмаслиги ҳам айтиб ўтилди. Жумладан, ҳуқуқий таълим ва тарбиявий ишга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа идораларнинг юридик хизматлари ходимларини жалб этишда изчиллик етишмаяпти. Долзарб мавзуларда давра суҳбатлари, мулоқотлар кам ташкил этилмоқда. Кутубхоналарни ҳуқуқий таълим-тарбияга оид адабиётлар билан бойитишга эътиборни кучайтириш лозим.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

Кейинги йилларда мамлакатимиздаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш базасини модернизация қилишга ва технологик жиҳатдан янгилашга, замонавий асбоб-ускуналар билан тўлдиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Айниқса, бу борада Президентимизнинг жорий йил 14 мартдаги "Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, ушбу ҳужжат талаблари ижросини таъминлаш борабарида жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб бормоқда.

Андижон вилоятидаги "Подшипник" ҳиссадорлик жамиятида ҳам бу борада бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Бу ерда Асакадаги автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган "Дамас" ва "Матиз"лар учун 16 турдаги бутловчи қисмлар етказиб берилаяпти. Бундан ташқари "Нексия" автомобиллари учун механик ва электр қуввати билан ишлайдиган ойна кўтаргич механизмлари ҳамда 13 турдаги подшипниклар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.



СУРАТДА: корхона синовчи-йиғувчиси Жасур Қурбонов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

НАТИЖАЛАР САЛМОҚЛИ, ВАЗИФАЛАР УСТУВОР

Республикамиз фуқаролари Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил биринчи чорагида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда жорий йилга мўлжалланган иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамасига бағишланган мажлисини эътибор билан ўрганмоқдалар. Кўпчилик юртдошлар иқтисодиётимизнинг жадал суръатларда ривожланаётганини айтишмоқда. Бу ўз навбатида, Ватанимиз равнақига янги куч бағишлаётганини одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаётганини ҳам таъкидлашаётир.

Муносабат

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жумладан, иқтисодиётнинг барқарор ва изчил ривожланишига қаратилган тадбирларнинг самараси бугунги кунда яққол кўзга ташланмоқда. Биринчи чоракда иқтисодиётимизда салмоқли натижаларга эришилишида Президентимизнинг шу йил 12 февралда Ҳукумат мажлисидаги маърузасида 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича аниқ йўналишлар белгилаб берилиши муҳим омил бўлди. Ўтган давр мобайнида ушбу вазифаларнинг самарали бажарилиши иқтисодиётда ижобий таркибий ўзгаришларни ҳамда макроиқтисодий ва тармоқлар ривожланишида юқори кўрсаткичларга эришилишини таъминлади.

Бинобарин, юқори кўрсаткичларга эришилди, дейишимизга асослар етарли. Масалан, ўтган уч ой давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,1 фоизни ташкил қилди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари 12,0 фоизга, қурилиш — 12,8, чакана товар айланмаси — 16,5 ва пуллик хизматлар кўрсатиш 25 фоизга кўпайди.

Осиё Тараққиёт банкининг ўтган ойдаги прогнозида Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиши етти фоиз атрофида бўлиши тахмин қилинган эди. Иқтисодиётимизнинг ривожланиши бўйича юқорида келтирилган натижалар бугун мазкур банк мутахассисларини бу борадаги прогнозларни қайта кўриб чиқишга ундаса, ажабмас. Жорий йилнинг биринчи чорагида Давлат бюджетининг ижроси 1,7 фоиз миқдорида профицит билан таъминланганги, инфляция даражаси 2,9 фоизни ташкил қилиб, бу борадаги прогноз параметрларидан ошмагани ҳам бунга қўшимча далил бўлиши мумкин.

Ташқи савдо айланмасининг барқарор, юқори суръатлар билан ўсаётгани ҳам қувонарлидир. Бунда экспорт кўрсаткичлари 21,1 фоизга ортди. Ташқи савдо ижобий сальдоси қарийб 600 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Мажлисда қайд этилганидек, ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2006 йилнинг шу даври билан таққослаганда 36,4 фоизга кўпайди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 47 фоизга, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан инвестициялар эса 16 фоизга ўсди.

43 та йирик инфратузилма ва ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилганлигини ҳам ўтган уч ой давомидаги салмоқли ишлар қаторига қўшиш ўринлидир. Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш иқтисодиётнинг ушбу секторида маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстиришнинг юқори суръатларини ҳамда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 33,2 фоизгача оширишнинг таъминланиши эса давлатимиз томонидан ушбу соҳа ривожига кўрсатилаётган диққат-эътибор меваси, десак ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани барчамизга маълум. Ўтган ойлар қишлоқ хўжалиги соҳасида бўлажак ҳосил етиштириш учун тайёргарлик кўриш даври бўлишига қарамай, соҳада маҳсулот тайёрлаш — 5,5 фоизга ўсганини ва бундай кўрсаткичларга мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашга қаратилган махсус дастурларнинг самарали амалга оширилиши туфайли эришилганини эътироф қилиш лозим. Бундан ташқари, соҳада фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган ишлар, жумладан, 329 та қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжаликлари) негизида 25,2 мингта фермер хўжалиги ташкил этилганлиги ҳам мазкур соҳанинг юртимиз тараққиётига янада салмоқли ҳисса қўшишига хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Ҳукумат мажлисида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва сервисни, чорвачилик ва касаначиликни ривожлантиришга доир мақсадли махсус дастурларнинг амалга оширилиши натижалари ҳам алоҳида қайд этилди. Хусусан, мазкур дастурлар доирасида ўтган чоракда 150 мингта янги иш ўрни яратилди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ хизматлар, молия ва транспорт хизматлари кўрсатиш борасида сифат жиҳатидан таркибий ўзгаришлар кузатилди. Ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 43,5 фоиз ошди.

Айни чоғда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг қай даражада бажарилаётгани барчанинг диққат-эътиборида турибди. Ҳукумат мажлисида ўтган чоракда ушбу Давлат дастури доирасида 13,8 мингта кам таъминланган ва кўп болали оилага 5,5 миллиард сўмликдан зиёд қорамол бепул берилгани, 3,4 мингта кам таъминланган оилага Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан 2,9 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилгани таъкидланди. Шу билан бирга, ногиронлар учун қарийб 1500 та, жумладан, касаначиликни ташкил этиш йўли билан 1160 та иш ўрни ташкил этилди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун мамлакатимиз иқтисодиёти жадал ва барқарор ривожланаётганини ҳеч ким инкор этолмайди. Мажлисда таъкидланганидек, эндиги устувор вазифалар эса жорий йилнинг биринчи чорагида эришилган натижаларни мустаҳкамлаш, янада юқори кўрсаткичларга эришиш учун Президентимиз томонидан белгиланган 2007 йилги иқтисодий дастурга кўра, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолини иш билан таъминлаш ва одамлар фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларни кучайтиришдан иборат. Бу вазифаларни ўз вақтида, изчил амалга ошириш барчамизнинг меҳнатимизга, салоҳиятимиз ва изланишимизга боғлиқдир.

Салим ДОНИЁРОВ.

Тадбиркорга тўсиқ бўлманг

(Давоми. Боши 1-бетда).

2006 йил ва жорий йилнинг биринчи чорагида назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ўтказилган назорат тадбирлари давомида 4023 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, 5527 та прокурор назорат ҳужжати қўлланилди. Ноқонуний ҳужжатларга 1600 та протест келтирилди, 846 нафар мансабдор шахс қонунни бузмаслик юзасидан огоҳлантирилди. Икки мингга яқин шахс маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларини қўпол равишда бузиш ҳамда ноқонуний текширишлар ўтказиш ҳоллари юзасидан эса юзга яқин жиноят иши қўзғатилди.

Айрим мансабдор шахслар томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳамда тадбиркорликнинг эркин ривожланиши йўлида сунъий тўсиқлар яратиш ҳолларига қатъий чек қўйиш зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, тадбиркорлар орасида қонун талабларига риоя қилмаётган, солиқ тўлашдан бош тортаётган, маблағларни ноқонуний айлантиришга уринаётганлар ҳам учраб тургани айтиб ўтилди.

Учрашувда тадбиркорларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Ўз мухбиримиз.

Бугуннинг гапи

ДАРЁ СУВИН БАҲОР ТОШИРАР...



Томчиси ҳам зар

Сув — ҳаёт манбаи. Дарҳақиқат, усиз ер юзида на бир гиёҳ битади, на инсон яшай олади. Афсуски, дунё бўйича тегишли ташкилотлар томонидан аҳолининг оби-ҳаётга бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатларга қарамай, бу муаммо ҳамон долзарб бўлиб турибди.

Маълумотларга қараганда, жаҳонда 1,1 миллиард киши тоза ичимлик сувига муҳтож. 2,4 миллиард киши эса етарли даражада тозаланмаган сувни истеъмол қилмоқда. Шукрки, бизнинг мамлакатимизда сув таъминоти яхши йўлга қўйилган: айрим хорижий давлатлардагидек, у сотиб олинмайди ёки маълум муддатларда берилмайди. Бироқ бу табиатнинг ушбу неъматидан бесамар фойдаланишга асос бермайди, аксинча, унинг қадрига етишга ундайди. Чунки сувга бўлган эҳтиёж йил сайин ортиб боряпти. Мисол учун, 1990 йили киши бошига 3043 куб метр сув тўғри келган бўлса, бугун бу кўрсаткич йилига ўртача 2600 куб метрни ташкил этмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, сув сарфи шу тарзда давом этаверса, 2025 йилга бориб, ушбу миқдор 1200 куб метрга тушиб қолиши мумкин экан. Бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

Келинг, шу ўринда бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Агар ҳар биримиз кундалик эҳтиёжимиз учун ишлатиладиган сувдан бир литрдан иқтисод қилсак, кунига нақд 26 миллион литр сув заҳирага қолади. Бир ҳафтада — 182 миллион литр! Бу — 182 минг куб метр, дегани. Шунча миқдордаги сув билан эса 70 йил мобайнида бир кишининг ушбу неъматга бўлган эҳтиёжи қондирилади,

Биз бежиз бунга урғу бермаяпмиз. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, сувнинг жуда катта қисми — 30-40 фоизи очиқ қолган жўмраклар, қувурларнинг игна кўзидек келадиган тешикларидан беҳудага оқиб кетмоқда.

Қўллатманг ҳам, чўллатманг ҳам

Табиий савол туғилади: республикамизда суғориладиган 4,3 миллион гектар майдонда деҳқончилик қилинаркан, бунга қанча миқдорда сув зарур бўлади? 70-71 миллиард куб метр. Унинг 60 миллиард куб метри дарё, қолган қисми эса ер ости ва оқова сувлардан иборат.

— Шу боис давлатимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ сув хўжалиги ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Сув ресурслари баланси ва сувни тежайдиган технологияларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Шариф Кўчқоров биз билан суҳбатда. — Бугунги кунда сув ресурслари 800 та йирик гидротехник иншоот, умумий сиғими 19,4 миллиард куб километр бўлган 54 та сув омбори ёрдамида бошқарилаётир. Узунлиги 196 минг километр бўлган суғориш тармоқлари, йиллик қуввати 8,2 миллиард Квт га тенг 1500 та насос станциясининг тўхтовсиз фаолияти туфайли эса кафолатли сув таъминотига эришилмоқда. Буларнинг бари давлатимиз раҳбари раҳнамолигида иқтисодиётнинг жон томири — сув хўжалигини ислоҳ қилиш, унинг салоҳиятини ошириш мақсадида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг самарасидир.

Жорий йил суғориш мавсумига республикамиз бўйича 42681 миллион куб метр чекланган сув миқдори (лимит) ажратилган. Бу етарлими?

— Сув тақсимоти экин туридан келиб чиққан ҳолда белгиланади, — дейди Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти директори Норқул Хушматов. — Бунда ҳар бир ҳудуднинг табиий иқлим шароити, йиллик ёғингарчилик миқдори, албатта, эътиборга олинади. Масалан, ғўзанинг гектарига ўртача 5-7 минг кубметр сув сарфланса, ғалла парвариши учун нисбатан камроқ — 3-4 минг кубметр сув талаб этилади. Сабзавот экинлари учун эса 9-10 минг кубметр сув ишлатилади. Шундан келиб чиқиб ҳисобланганда, мамлакатимиз бўйича ҳар гектар ерга ўртача 12-13 минг кубметр сув сарфланмоқда.

Деҳқончиликдан бохабар киши яхши билади: экин чанқатиб қўйилса ҳам, қўллатиб суғорилса ҳам зиён. Айтайлик, ғўза вақтида суғорилмаса, гул ташлайди, ҳосил нобуд бўлади, оқибатда иқтисодий зарар кўрилади. Қўллатилса, яна шу аҳвол юзага келади.

— Биз суғоришда шарбат усулини қўллаймиз, — дейди қашқадарёлик фермер Тўра Раҳмонов. — Чунки маҳаллий ўғит гўзани тўйинтириб, ерда нам сақлайди. Натижада суғориш оралиғи узаяди. Яна биз ҳар бир суғоришдан кейин қатор ораларига ишлов бериб, асосан тунда сув тараймиз. Ҳисоблаб кўрсак, ўтган йили 93 гектар ерда пахта етиштириш учун аввалги йиллардагига нисбатан 2-3 баробар кам сув сарфлабмиз.

Тўра фермердек сув қадрига етадиган мулкдорлар кўп. Аммо оби-ҳаётни бесамар оқизаётганлар ҳам йўқ эмас. «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси маълумотига қараганда, ўтган йили сувдан фойдаланишда исроф-гарчиликка йўл қўйганларнинг 6746 нафари огоҳлантирилиб, 2754 шахсга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилган.

— Бундай ачинарли ҳолатларнинг олдини олиш учун 2381 та бирламчи сувдан фойдаланувчилар билан шартнома тузганмиз, — дейди инспекция бошлиғи Ҳамдам Умаров. — Айни чоғда жойларда улар билан ҳамкорликда тушунтириш ишларини олиб боряпмиз.

Бундан ташқари, адолатли сув тақсимотини йўлга қўйиш мақсадида ишчи гуруҳлари тузилган. Сув таъминотида узилиш бўлмаслиги учун эса мавжуд зовурлар ва тик қудуқларга қарийб 1400 та насос ўрнатилди. Барча суғориш тармоқлари ва зовурлар тозаланди.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, оби-ҳаётдан оқилона фойдаланишда Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ)нинг ҳам кўмаги катта бўляпти. Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан ташкил этилган бу тизим зиммасига сувни тақсимлашни тартибга солиш, ундан тежамкорлик билан унумли фойдаланиш вазифалари юклатилган. Ҳозирда салкам 2400 та СФУ мамлакатимиз фермерларига изчил хизмат кўрсатмоқда.

Ҳуллас, бу йил деҳқончиликда суғориш мавсумини кафолатли сув билан таъминлаш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Буёғи табиат ҳам деҳқонга қайишиб, осмондан барака тўктираяпти. Ёмғирлардан дарёлар ўзанларига сиғмай оқаяпти. Демак, хавотирланишга ҳожат йўқ. Фақат қишлоқ хўжалиги экинларидан мўлжалдаги ҳосилни етиштириш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатиб, омилкорлик билан ишлаш зарур.

Саид РАҲМОНОВ.

Орамиздаги одамлар

Деҳқоннинг ризқи ерга сочилган. Эрта баҳордан кеч кузгача даласидан бери келмаган, кетмонини елкасидан қўймаган одам кам бўлмайди — дастурхони тўкин, рўзғори бутун бўлади. Орттирганини ошна-оғайнилари, қўни-қўшнилари билан баҳам кўради. Элнинг эътиборига тушади, юртда иззат-ҳурмат топади.

ЭШНИЁЗОВ АНГЛАГАН ҲАҚИҚАТ

Баҳром Эшниёзов бу ҳақиқатни англаб етганига анча йил бўлди. Чунки у зоотехниклик касбини эгаллагач, бир неча йил мобайнида Хатирчи туманидаги А. Ҳалимов номли жамоа хўжалигига қарашли чорвачилик фермасида ишлади. Соҳанинг миридан сиригача ўрганиб, шу жамоага раҳбарлик қилди. Кейин биринчилар қаторида фермер хўжалиги ташкил этди. Банкдан олинган кредит ҳисобига зарур техника воситаларини сотиб олиб, асосий эътиборни деҳқончиликка қаратди: агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли бажарди — мўлжалдаги ҳосилни йиғиштириб олмагунча тиним билмади.

Машаққатли меҳнат ўз самарасини берди — 2001 йилга келиб, хўжалик қарзлардан тўлиқ қутилди, соф фойданинг ортиқчаси банкдаги ҳисобвараққа қўйилди. Ўтган йил, айниқса, «Мустақилликнинг 10 йиллиги» фермер хўжалиги учун баракали келди: 80 гектар пахтазорнинг ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 52 центнерга етган бўлса, 20 гектар ердан 140 тоннадан ортиқ буғдой олинди.

Бундан ташқари, хўжаликда уч юздан зиёд қорамол бор. Якунланган йилда тайёрловсавдо ташкилотларига шартнома асосида 18 тонна гўшт, 180 тонна сут маҳсулотлари етказиб берилди.

— Собиқ ширкатда шунча миқдорда гўшт ва сут етиштириларди, — дейди Баҳром ака. — Лекин моллар сони икки баробар кўп эди. Фермер хўжалигининг афзаллиги шундаки, агар ҳар бир ишчи мулкка эгалик ҳиссини туйиб ишласа, меҳнатининг самарасини кўриб турса, юқори натижа қўлга киритилавераркан. Чорвачиликдан келаётган даромадимиз йил сайин ортаётганлигининг боиси шундан. Мана, сутни қайта ишлашни ҳам йўлга қўйдик. Қатиқ, қаймоқ, сариёғ, пишлоқ ишлаб чиқараяпмиз. Маҳсулотларнинг бир қисмини эса болалар боғчасига тарқатаяпмиз.

Фермер хўжалиги аъзолари деҳқончилигу чорвачилик билан чегараланиб қолмасдан, тўрт гектарлик боғ ҳам барпо этишди. Натижада жамоа 2006 йилни 117 миллион сўм соф фойда билан якунлади.

Бугунги кунда фермер хўжалигида салкам 150 киши меҳнат қилаяпти. Механизаторлар Бекмурод Нормаматов ва Муҳиддин Мансуровлар билан суҳбатлашганимизда, улар ойлик иш ҳақини ўз вақтида олаётгани, шу билан бирга, ишчиларга уй-жой қуриш, соғлиқларини тиклаш борасида моддий ёрдам кўрсатилаётгани, вақти-вақти билан бозордагидан арзон нархларда ун, пахта ёғи ва чорва учун озуқа ажратилаётганини қувониб гапирдилар.

Ўтган йили, шунингдек, фермер хўжалиги маблағи ҳисобидан янгиқишлоқлик кам таъминланган оилаларга еттита сигир олиб берилди, аҳолига олти тонна буғдой тарқатилди, қишлоқ ичидаги икки километрлик йўл таъмирланди, хайрия ва ҳомийлик мақсадларига 15 миллион сўм сарфланди. Ижтимоий ҳимоя йилида эса бундай ёрдамлар салмоғини янада ошириш кўзда тутилган.

Баҳром аканинг режалари кўп. У қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун янги технологиялар олиб келиш, янги иш ўринлари яратиш, шу тариқа аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида тиним билмай ишламоқда.

Жамолиддин ТЎХТАШЕВ,
журналист.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Конгресс қонун лойиҳасини тасдиқлади

АҚШ Конгрессининг Вакиллар палатаси Ироқдан мамлакат ҳарбийларини олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилди. Депутатларнинг 218 нафари мазкур ҳужжатни қўллаб-қувватлаган бўлса, 208 нафари бунга қарши овоз беришди. Шу ҳафта давомида Сенат ҳам қонун лойиҳасини тасдиқлаши кутилаяпти. Манбада келтирилишича, конгресснинг икки палатаси ҳам ушбу ҳужжат юзасидан дастлабки келишувга эришганлар. Унга кўра, келгуси йил 1 апрелга қадар Ироқни америкалик ҳарбийлар тарк этишади.

АҚШ Президенти Жорж Буш Конгресснинг Ироқдаги уруш ҳаракатларини тўхтатиш юзасидан олиб бораётган барча қонунчилик ташаббусларига вето қўллашини билдирмоқда. У Ироқда вазият яхшиланмагунича америкалик ҳарбийлар бу ерда қолиши лозимлигини таъкидлаяпти.

БМТ маълумотларига қараганда...

БМТнинг Ироққа ёрдам кўрсатиш миссияси мамлакат ҳукуматини охирги ойларда юз бераётган ҳарбий йўқотишлар тўғрисидаги маълумотларни яшираётганликда айблаб чиқди. Миссия маълумотларига кўра, 2006 йилда турли хуружлар туфайли 34 минг аҳоли ҳалок бўлган.

АҚШнинг Ироқдаги расмий вакили билдиришича, 2007 йилнинг 14 февралидан буён хавфсизлик чораларининг кучайтирилиши оқибатида қурбонлар сони кескин камайган.



Ҳукумат рози

Белорусь ҳукумати Минскда Еврокомиссия ваколатхонасининг очилишига рухсат берди. Ушбу маълумотни мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги ҳам тасдиқлади. Еврокомиссия мазкур масалада 2005 йилда расмий Минскка мурожаат қилган, бироқ баъзи сабабларга кўра томонлар бир келишувга эриша олмаган эди.

Хавфсизлик чоралари кучайтирилди

Эстония чегара қўшинлари департаменти мамлакат чегарасида хавфсизлик чоралари кучайтирилганини маълум қилди. Департамент матбуот хизмати вакилининг айтишича, май ойида турли оммавий тадбирларнинг кўпайиши муносабати билан ана шундай қарорга келинган.

Техасда кучли довул

Техасга кучли довул бостириб келиши оқибатида камида олти нафар киши ҳалок бўлди, 81 киши жароҳатланди. Кўплаб бинолар жиддий зарар кўрган. Айни пайтда қутқарувчилар вайроналар ичида қолган аҳолига ёрдам кўрсатмоқда. Уларнинг сўзларига кўра, қурбон бўлганлар сони янада кўпайиши мумкин. 300 нафар аҳоли бошпанасиз қолди.

Воситачиларсиз газ сотмоқчи

«Газпром» Италияга воситачиларсиз мустақил тарзда газ сотмоқчи. Шу йилнинг биринчи майидан бошлаб, кейинги йил охирига қадар Италияга 1,9 миллиард кубометр газ етказиб берилади. Шу пайтгача айрим кичик шартномаларни ҳисобга олмаганда, «Газпром» Италияга деярли газ сотмаган эди.

Мақсад — келишув

Анқарада Эрон ва ЕИ ўртасида мамлакатнинг ядровий дастури юзасидан музокаралар бошланди. Муҳокамаларда ЕИнинг халқаро ишлар ва хавфсизлик масалалари бўйича олий комиссари Хавьер Солана ва Эрон Миллий хавфсизлик олий кенгаши котиби Али Ларижоний иштирок этмоқда. Тахмин қилинишича, расмий Техрон ядро дастури юзасидан ЕИ билан маълум шартлар асосида бир келишувга эришиши мумкин.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИ

5 МАЙ, ШАНБА
10.00 – 16.00

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Университетда мавжуд бўлган барча йўналишлар ҳақида батафсил маълумот олишингиз мумкин.

Бакалавриат:
- Умумтаълим курси
- Бизнес бошқарув
- Бизнесда ахборот технологиялари
- Иқтисод
- Ҳуқуқ.

Магистратура:
- Халқаро бизнес ва менежмент

Тайёрлов курслари:
- Инглиз тили
- IELTS
- Математика



Бизнинг манзил:
Тошкент Халқаро Вестминстер университети,
Охунбобоев кўчаси, 12-уй.
Телефонлар: 132-27-74, 137-46-54.

Қисқа сатрларда

Кўркам, шинам, қулай

Булоқбошида «Иссиқ нон» савдо маркази ишга туширилганига унча кўп бўлгани йўқ. Куни-кеча унга ёндош яна бир савдо шохобчаси — мини маркет қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди. Шу йилнинг ўрталарига бориб Андижон вилоятида яна 65 та мини маркет мижозларга ўз эшикларини очади.

О.ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Икки фильм тақдимоти

«Қорақалпоқфильм» студиясида икки ҳужжатли кинолента мухлислар эътиборига ҳавола этилди. «Сўнган юлдуз» деб номланган биринчи фильмда қорақалпоқ эстрада санъати ва бугунги қўшиқчилигида ўзига хос из қолдирган марҳум бастакор Қодир Хилолов ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилинади.

Иккинчи ҳужжатли фильм «Қадимий ва навқирон Элликқалъа» деб номланган. Унда Элликқалъа замининг тарихи ва бугуни ўз аксини топган.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРНИ ЧОП ЭТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРИНИ БЕРИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

Сана — 2007 йил 27 апрель. Ссуда № — BMZ 2001 65 365.

«Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида 2007 йил 22 мартда «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Бизнес Вестник Востока» газеталарида ўзбек, рус ва инглиз тилларида эълон қилинган ўқув қўлланмаларини чоп этиш бўйича тендер таклифларини бериш муддати 15 кунга (2007 йил 12 май) узайтирилди.

Тендер таклифлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказида

(Тошкент ш., 700100, Бобур к., 55-уй, А.Абдуллаев, телефон: 139-44-16)

2007 йил 14 май куни соат 15.00 да (Тошкент вақти билан) қатнашиш истагини билдирган тендер иштирокчилари вакиллари иштирокида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 июлдаги 337-сонли Қарори асосида ташкил қилинган САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ ШОХИ ЗИНДА ЖАМОАТЧИЛИК ФОНДИ кўзланган мақсадга эришганлиги муносабати билан **тугатилганлигини маълум қилади.**

Шунга кўра, барча кредиторлар икки ой муддат ичида фондни тугатиш ваколати юклатилган махсус комиссияга ўз талаблари билан мурожаат қилишлари мумкин. Жорий йилнинг 20 июнидан кейин тақдим қилинган ҳар қандай талаблар инобатга олинмайди. Барча масалалар юзасидан Самарқанд шаҳар, Шохи Зинда мажмуаси, Шохи Зинда жамоатчилик фондига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Тугатиш комиссияси

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

«ЎЗБЕКИСТОНДАН ҲАЛИ КЎПЛАБ ЧЕМПИОНЛАР ЧИҚАДИ»

Профессионал бокснинг ўта оғир вазнида жаҳон чемпиони Руслан Чагаев "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида ўтказилган учрашувда бу гапни айтганда, қатнашчилар гулдурос олқишлар билан муносабат билдиришди.

Ҳа, чиндан ҳам мамлакатимизда спортга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Руслан ва у каби кўплаб спортчиларимизнинг эришган оламшумул ғалабалари бунинг самарасидир. бўлди, —дейди Руслан. — Бунинг учун халқимга, Президентимизга раҳмат айтаман. Бугун мен еттинчи осмонда юргандекман. Жойлардаги учрашувларни кўриб шунга амин

Марказий кенгаш биносидаги ушбу учрашув катта тантанага айланиб кетди. Руслан ёшларга бўлиб ўтган жанг тафсилотлари, келгуси режалари ҳақида батафсил гапириб берди.

— Аввал ҳам айтганимдек, менинг ғалаба қозонишимда сизларнинг, бутун Ўзбекистон халқининг қўллаб-қувватлаб, ишонч билдириши муҳим омил бўлаяпманки, мамлакатимиз ёшлари нафақат спортда, балки барча соҳаларда фаол. Насиб этса, Ўзбекистондан ҳали кўплаб чемпионлар етишиб чиқади. Ўзимга келсак, келгусида профессионал бокснинг барча йўналишлари бўйича чемпионлик камарини қўлга киритишни ният қилиб қўйганман.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси Акром Алимов ушбу ғалабага бағишлаб, ўсмирлар ўртасида республика турнирини ўтказиш режалаштирилаётганини айтди. Руслан ғолиблар учун ясалган кўчма кубокка ўзининг дастхатини ёзиб қолдирди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Русланнинг тарихий ғалабасига бағишланган "Ўзбекнинг ғурури тоғлардан баланд!" мавзуида давра суҳбатлари, учрашувлар, спорт мусобақалари ташкил этилди. Уларда мактаблар, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари, ҳарбиий қисмлар, меҳнат жамоаларидан минглаб ёшлар иштирок этди.

* * *

Дарвоқе, Руслан ва унинг миллионлаб ишқибозлари ғалаба нашидасини сураётган пайтда тарихий жангда мағлубиятга учраган Николай Валуев кайфияти қандай?

"АиФ" ҳафтаномасининг сўнгги сонида Н. Валуевнинг айтишича, эндиликда у бир йил ўтгандан кейин бошқа йўналишдаги чемпионлик камари учун (WBC дан ташқари) курашишини, имкон бўлса, Кличколар билан рингга тушиш истаги борлигини билдирибди. Эътибор қилаяпсизми, у бўлажак рақиблари орасида Руслан Чагаевнинг номини тилга олишга, назаримизда, бироз чўчиган кўринади.

Бу ҳам чемпионимизга нисбатан яна бир эътироф эмасми?

Европа майдонларида

Европа чемпионлар лигасида ярим финал учрашувлари бошланди.

"Челси"—"Ливерпул" учрашувида 1:0 ҳисоби қайд этилди. "Манчестер Юнайтед" ўз майдонида "Милан"-ни 3:2 ҳисобида енгди. Жавоб учрашувлари 1-2 май кунлари бўлиб ўтади.

Россия Федерациясининг Новочебоксарск шаҳрида сув спорти мактаблари ўқувчилари ўртасида сузиш бўйича ўтказилган мусобақада ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этишди.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ҒОЛИБ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамда Россия Федерацияси Таълим ва фан вазирлиги ўртасида нафақат таълим, балки спорт соҳасида ҳам мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Шу сабабли Россияда анъанавий ўтказиб келинадиган биринчиликка Марказий Осиёдан фақат мамлакатимиз спортчиларигина таклиф этилди.

32 та кучли терма жамоа вакиллари иштирок этган баҳсда ўзбекистонлик ёш спортчилар устозларини уялтириб қўйишмади. Шохруҳ Юнусов 200 метрга чалқанча, Собит Амилов 400 метрга комплекс, Раъно Омонова эса 800 метрга эркин ва 400 метрга комплекс усулда сузиш баҳсларида олтин медаллар совриндорлари бўлишди. Шунингдек, спортчиларимиз яна учта кумуш ва битта бронза медалларини қўлга киритишди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ўзбек адабий тили меъёрларини, луғавий бойликларини асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тил – билим калити

■ Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан ўтказилган ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларига бағишланган Республика илмий-назарий анжуманида шу нарса алоҳида эътироф этилди.

Шунингдек, анжуманда фан соҳалари бўйича луғатлар тузиш, атамаларни тўғри танлаш, уларни аниқлаштириш ва бир йўналишга солиш ўзбек тилшунослари олдида турган долзарб вазифалардан эканлиги ҳам таъкидланди.

Ғаффор НАСРИЕВ,
«Туркистон-пресс» мухбири.

«МЕҲРНИНГ СУВРАТИН ЧИЗГИМ КЕЛАДИ»

Одатда, биз суратларда гўзалликни кўрамиз. Кимнингдир нимадандир таъсирланиб, хаёлий оламида гавдаланган, сўнг дунё юзини кўрган бетакрор чизгиларига нигоҳ ташлаб, дилимиз баҳра олади. Агар унда меҳр-муҳаббатни қўмсаган дил туғёни, дунёда ҳеч нарсага алишиб бўлмас соғинч аталмиш туйғунинг самимий ифодаси бўлса-чи?



Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида республикамиздаги "Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган "Камалак жилоси" кўрик танловига қўйилган асарларни томоша қиларкансиз, ҳар бир суратда излаганингиз Меҳрни, Соғинчни кўрасиз.

... Кенг яйлов. Отаси билан қўй боқиб юрган болакай. Уларга нонушта тайёрлаётган она. "Менинг оилам", "Менинг отам", "Менинг уйим", "Алла айтинг, онажон!» Бу суратларнинг ҳар бирида сўз билан ифодалаб бўлмас ана шундай туйғу бор, юракнинг туб-тубига яширинган соғинч отли сир бор. Меҳрга ташналик, оқибатли бўлишга, ота-онанинг, оиланинг, қадрдон ғўшада ўтаётган ғанимат кунларнинг қадрига етишга чорлов бор.

Қарийб ўн йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу кўрик-танловдан асосий мақсад фарзандларимиз қалбида тасвирий санъат ва бадиий ижодга бўлган қизиқишни орттириш, ўз иқтидорларини намоён этишга имконият яратишдир.

— Санъатни, адабиётни севган бола соғлом фикрли

Танлов

бўлади, ҳар бир асардан ўзи учун ибрат олади, — дейди танлов ҳайъати раиси Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, мусаввир Ортиқали Қозоқов. — Гўзалликни юракдан ҳис қилган, санъатга ошно инсондан эса ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди.

Бу йилги кўрик танловга "Меҳрибонлик" уйи тарбияланувчиларидан 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган 1500 нафар бола иштирок этиб, уларнинг 60 нафари республика босқичига йўлланма олди. Шулардан Валерий Валенкин, Александр Раҳимов, Алёна Сиривец, Олим Жамолов каби иқтидорли болалар акварел, амалий санъат асарлари бўйича ғолибликни қўлга киритдилар.

Тадбир иштирокчилари "Соғлом авлод учун", "Сен ёлғиз эмассан" жамғармалари, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа.

ДУНЁ ТИББИЁТЧИЛАРИ ТОШКЕНТДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, биргина ўтган йилда давлат бюджети маблағи ҳисобидан тиббиёт муассасаларини замонавий техника билан жиҳозлаш учун 6,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Юртимизда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тизимга жалб этилаётган хорижий инвестиция маблағлари ҳисобига 10 та йирик лойиҳа амалга оширилаяпти. 6 миллиондан зиёд фуқарога ҳар йили давлат томонидан кафолатланган бепул шошилинч тиббий хизмат кўрсатилади. Ижтимоий ҳимоя йилида бу борадаги ишлар қўлами янада кенгаймоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда юзлаб стоматология хоналари, поликлиникалар, хусусий шифо масканлари аҳолига тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Қишлоқ аҳолисига тезкор маслаҳат-ташхис ва даволаш ёрдами кўрсатиш учун қишлоқ врачлик пунктлари ҳузурида стоматология хоналари ишлаб турибди. Тизимда касалликларнинг олдини олиш ва даволашга хизмат қиладиган самарали усул ва воситалардан ҳамда замонавий асбоб-ускуналардан кенг фойдаланиляпти.

Бундай ютуқларга эришишда қатор йилларидан буён ўтказилаётган «Stomatology Uzbekistan» халқаро кўргазмасининг ўзига хос ўрни бор. Бу йил унинг иштирокчилари қўлами янада кенгайди. Кўргазмада Германия, Швейцария, Италия, Болгария, Россия, АҚШ, Украина, Жанубий Корея ва Покистон каби ўнлаб давлатларнинг қирққа яқин компаниялари ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Ф. САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-ўй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Российский линолеум
Обои виниловые
Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован
тел. 134-48-11
303-38-77
факс 134-49-58

IEG UZBEKISTAN TAKLIF ETADI:
МИР СПОРТА
2- XALQARO IXTISOSLASHGAN KO'RGAZMA
SPORT OLAMI 2007
SPORT. AKTIV XORDIQ
3 - 5 MAY
O'tkazish joyi
"INTERCONTINENTAL TASHKENT"
MEHMONXONASI
Tashkilotchi:
Tel./fax: + (998 71) 138 59 88
E-mail: julia@ieguzexpo.com
www.ieguzexpo.com
Axborot ko'magi:
"СПОРТ МАГАЗИН" jurnali
Rasmiy ko'mak:
O'zbekiston Respublikasi madaniyat va sport ishlari vazirligi
Texnik ko'mak:
OAJ MKK "O'zekspomarkaz"
Bosh homiy:
РТО ВТ

SHOSH INVEST GROUP ПРЕДЛАГАЕТ ПРЯМЫЕ ПОСТАВКИ
Срок поставки — май-июль.
в партнерстве с компаниями «HYUNDAI» (Корея), ОАО «Промтрактор» (Россия), «SANY» (Китай), «Caterpillar» (США):

Экскаваторы «SANY»: объем ковша 0,39 — 1,5 м³, мощность 126 — 178 л.с.
Колесные мини-погрузчики: «HYUNDAI», «GMMC» объем ковша 0,37 — 1 м³, мощность 68 л.с.
Экскаваторы: «HYUNDAI», «Caterpillar» объем ковша 0,23 — 2,5 м³, мощность 115 — 178 л.с.
Экскаваторы: «HYUNDAI» объем ковша 0,23 — 1,5 м³, мощность 115 — 178 л.с.
Самосвалы: «HYUNDAI» грузоподъемность 10 — 40 тн.

1. 100% — аккредитив в национальной валюте.
2. 30-50% — предоплата, оставшаяся сумма от 13 месяцев — в лизинг.
ОПЛАТА — В СУМАХ.
100000, г. Ташкент, Мирабадский р-н, ул. Афросиаб, 12-Б.
Тел. (+99871) 140-07-22. Тел./факс 120-33-46. E-mail: shosh_invest@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги жамоаси вазирликнинг Бош бошқарма бошлиги
Завихулла Шамсутдинович НАСРИТДИНХОДЖАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси «Давбионазорати» жамоаси «Жайрон» экомаркази директори Ғулом Жумаевга турмуш ўртоғи
Жамила ЖУМАЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси Ҳужжатларга ишлов бериш ва каталоглаштириш бўлимининг мудири Шоҳиста Шамсиевага укаси
Зиёдилла ШАМСИЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 35442 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.50 23456